O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 14 февраль, № 30 (3829) Сешанба

ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 февраль куни Оқсаройда Россия Федерацияси Федерал мажлисининг Давлат думаси раиси Борис Гризловни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россиянинг ҳамкорлик алоқалари иттифоқчилик муносабатларига мос равишда изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

— Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик юксак даражада ривожланиб бораётир, — деди Ислом Каримов. — Алоқаларимиз икки мамлакат манфаатларига бирдек мос келади. Сўнгги вақтда ўтказилган учрашувлар, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Россия ҳамкорликни ўзаро манфаатдорлик асосида ривожлантириб бораётганидан далолатдир.

Таъкидламоқ лозимки, ўзаро муносабатларни ривожлантиришда икки мамлакат парламентларининг алоқалари ҳам алоҳида ўрин тутмоқда. Б.Гризловнинг Ўзбекистонга ташрифи бунинг яна бир тасдиғидир. Мазкур ташриф мамлакатларимиз олий қонун чиқарувчи органлари йўналишида ҳам ҳамкорликни янада юксалтириш борасида амалий ишга киришилганидан далолатдир.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида Ўзбекистон — Россия муносабатларининг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши муносабати билан ушбу тузилма доирасида амалга оширилиши лозим бўлган шартномавий-ҳуқуқий жараёнлар билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Б.Гризлов самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: қабул пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал мажлисининг Давлат думаси раиси Б.Гризлов раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов билан учрашди.

РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида имзоланган ҳужжатлар бу борада муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди. Айниқса, ўтган йилнинг ноябрь ойида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам асос бўлди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги парламентлараро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Томонлар ҳамкорликни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этиб, истиқболда бу йўналишдаги алоқаларни янада фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Б.Гризлов Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиб киришини муҳим воқеа деб баҳолади. Парламентлараро алоқалар ушбу ташкилот доирасида ҳам муваффақиятли давом этишига ишонч билдирди.

(ЎзА).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИДА

Кеча қуйи палатада партия фракцияларининг навбатдаги йиғилишлари бўлиб ўтди. Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик ҳамда «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг йиғилишларида депутатлар Юртбошимизнинг 2005 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган асосий йўналишларга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Давлатимиз раҳбари кўрсатиб ўтган вазифаларни амалга оширишда депутатлар фаоллик кўрсатиши зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг ўтган йилда амалга оширган ишлари ҳақидаги ҳисоботи эшитилди. Мазкур масала юзасидан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова ахборот берди.

Фракциялар йиғилишларида «Телерадиоэшиттириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан депутатларнинг ахборотлари тингланди.

Йиғилишларда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Фидокорлар миллий демократик ҳамда «Адолат» социал-демократик партияларининг қўшма йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг ўтган йилги иш фаолияти бўйича ҳисоботи депутатлар эътиборига ҳавола этилди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидованинг таъкидлашича, мазкур органга ўтган йил давомида фуқаролар 6142 марта мурожаат қилишган. Ушбу мурожаатлардан 1754 таси назоратга олинган ва ҳисобот даврида 240 таси ижобий ҳал этилган. Шунингдек, айни пайтда 389 таси кўриб чиқилмоқда.

Йиғилишда иккинчи масала — «Телерадиоэшиттириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси чоғида депутатлар мазкур ҳужжат концепцияси, унинг мазмуни, мақсади ҳамда ундан кутилаётган натижалар ҳақида фикрлашиб олдилар. Фракциялар ушбу қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаб, уни кейинги ўқишга такомиллаштирган ҳолда тақдим этиш юзасидан таклифларини тегишли қўмитага бериш тўғрисида келишиб олишди.

С. ДОНИЁРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА – УСТУВОР ЭЪТИБОР

Ватан қудратини юксалтириш учун ҳар бир фуқаро ўзини сафарбар ҳис қилсин.

Президент маърузасида билдирилган эътирозларни ҳар биримиз юрақдан ўтказайлик.

Қўлга киритилган натижаларни таҳлил қилишда бой берилган имкониятларни ҳисобга олайлик, ислоҳотларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришда ижобий ишларимизни давом эттирайлик.

КИЧИК БИЗНЕС — ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Юртимизда иқтисодий ислоҳотлар бошланганига ҳам, мана, ўн йилдан ошиқроқ вақт бўлди. Қувонарли жиҳати шундаки, ўтган ҳар бир йилда мамлакатимиз ҳаётида кўплаб ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Барча соҳалар ривожига устувор вазифалар сифатида эътибор қаратилаётгани боис уларда мисли кўрилмаган ютуқлар қўлга киритилмоқда. Мисол учун, 2005 йил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида туб бурилиш йили бўлди, десак, асло муболаға бўлмайди. Чунки ҳозирги кунда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётимизнинг юксалишини таъминлашда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини оширишда масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда.

Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 38,2 фоизни ташкил этаётгани, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 65 фоиздан кўпроғи мазкур соҳада фаолият юритаётгани, янгидан яратилаётган иш ўринларининг 85 фоизи эса айнан кичик бизнес улушига тўғри келаётгани бунинг исботидир.

Шунинг учун уларнинг эркин фаолият юритишини таъминлаш мақсадида республикамизда бир қатор қулайлик ва имтиёзлар яратиб берилмоқда. Хусусан, ягона солиқ тўловининг жорий этилгани туфайли солиқ идораларига тақдим этилиши зарур бўлган ҳисоботлар сони 10 баробар қисқарди. Рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналари сони 31,5 мингтага кўпайди. Айни чоғда, кичик корхоналар аввал 15,2 фоиз миқдорида солиқ тўлаган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилдан бошлаб 13 фоизга туширилди. Лицензия ва рухсатномалар бериш тартиби ҳам янада такомиллаштирилди.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишланган мажлисдаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, бугун хусусий секторни ривожлантиришнинг мукаммал ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган. Унинг ривожига ғов бўлаётган тўсиқларга барҳам берилмоқда. Эришилаётган ютуқлар ҳам салмоқли, уларнинг ҳаммаси — ўзимизники. Ҳеч ким уларни биздан тортиб ола олмайди. Бироқ ана шу муваффақиятлар билан бирга, мазкур соҳада ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор.

Мамлакатимиз раҳбари шу ҳақда тўхталаркан, мавжуд муаммолар нималардан иборат эканлигию, уларни қандай бартараф этиш йўлларини содда тарзда тушунтириб бердилар. Жумладан, асосий камчиликлардан бири – бу кичик бизнес билан шуғулланадиган кишиларнинг ҳали-ҳануз ўз ҳақ-ҳуқуқини тўла англаб етмаётганидадир. Агарда улар ўз фаолияти давомида ўзини ўзи ҳимоя қила олса, "Мен шу давлатнинг фуқаросиман, Конституциямиз ҳамда қонунларимизда белгиланган ҳужжатлар мен учун қабул қилинган" деб ҳисобласа, иш анча осон кечарди. Агарда улар ҳар қандай зўравонликларга, тазйиқларга қарши курашишга ҳақим бор, деб ҳис қилсалар, муваффақиятларимиз ҳам янада салмоқли бўларди, албатта.

Табиий савол туғилади: нега доимо мана шу масалага алоҳида тўхталиб, жон қуйдириб гапирилади? Чунки кичик бизнес — эртанги кунимизнинг пойдевори. Бусиз соҳани ривожлантириб бўлмайди. Аниқроғи, кичик бизнес тараққий этмадими, демак, одамларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам муаммолигича қолаверади. Оқибатда уларнинг ҳаёт даражаси кўтарилмайди. Ўзингиз ўйланг: ота-боболаримиз савдогарлик, ҳунармандчилик билан шуғулланиб, умргузаронлик қилишган экан, қон-қонимизга сингиб кетган ана шу меросни, яъни тадбиркорликни ривожлантириш орқали нима учун бу муаммога ечим топмаслигимиз керак? Аслида бу биз учун ҳам қарз, ҳам фарз эмасми?

Юксак минбардан айтилган бу даъватларнинг мағзини чуқурроқ чақадиган пайт келмадими? Қачонгача лоқайд бўлиб қараб турамиз?! Очиғи, энди бунга ҳақимиз ҳам йўқ! Соҳани ривожлантириш учун, аввало, ҳозиргидан ҳам кўра қулай шароитлар яратилиши шарт. Қишлоқ жойларида бу соҳа билан шуғулланадиганларнинг кўзини очишга кўмак бериш лозим.

Албатта, катта мажлисда билдирилган ана шу фикрлар, танқиду таҳлиллар ҳаммамиз учун тегишли хулоса чиқариш, бошланаётган йилда амалга ошириладиган ишларнинг режасини пухта тузиб олишимизга хизмат қилади. Бу мажлисда белгилаб берилган энг муҳим йўналиш ва устувор вазифаларни амалга оширишдан кўзланаётган асосий мақсад эса, таъкидланганидек, аввало, иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, одамларимизга муносиб турмуш шароитини яратиб беришдан иборатдир. Бу дегани — 2006 йилда ҳам иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини барқарор ва мутаносиб макроиқтисодий кўрсаткичларини таъминлаш масалалари ҳамиша диққат марказимизда бўлиши шарт.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Чироқчи туманидаги Т. Тиллаев маҳалласида Райимқуловлар хонадонини ҳамма билади. Бу хонадоннинг уч фарзанди — Наврўз, Сардор ва Гўзал болаликдан ногирон, тўшақдан турмайди. Шунга қарамай, атрофдагиларнинг меҳри, ғамхўрлиги туфайли улар ҳамиша ҳаёт билан ҳамнафас. Бири сурат чизса, бошқаси шеър машқ қилади. Китоб ўқиш, телевизор томоша қилиш, радио тинглаш уларнинг доимий машғулоти.



Болаларга — Президент совғаси

Вилоят ҳокимлигининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йилида кам таъминланган аҳоли қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш дастури»га мувофиқ бу хонадонда вилоят ва туман раҳбарлари мунтазам бўлишиб, болалар билан мулоқот қилишади, совғалар улашишади, оилавий муаммоларни ҳал қилишда кўмаклашишади. Мамлакатимизда қарор топаётган бундай саховатпешалик ва меҳр-оқибат учун хонадон аъзолари Президент Ислом Каримовга миннатдорчилик мактуби йўллашган эди. Яқинда Президентдан жавоб келди. Юртбошимизнинг дил сўзларини вилоят ҳокимининг ўринбосари Шарофиддин Назаров етказди ва болаларга Президент совғаси — замонавий компьютерни топширди. Бу ғамхўрликдан Райимқуловлар оиласи, айниқса, болалар бениҳоя хурсанд.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жорий йилнинг 9 февралида Москвада буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг жаҳон маданияти хазинасига қўшган беҳаҳо ҳиссасига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Шоирнинг таваллуд кунида

Ёзувчилар уюшмалари халқаро ҳамжамиятининг Ўзбек адабиёти бўйича кенгаши ва Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонаси томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда кўплаб таниқли ёзувчилар, фан ва маданият арбоблари, буюк шоир мухлислари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан нотиқлар, хусусан, шоира О.Чернишева ва Г.Резниченко, Н.Корнилов сингари таниқли ёзувчилар Алишер Навоий ижодини янада чуқур ўрганиш масалалари, бу мероснинг ўсиб келаётган янги авлодни тарбиялашдаги аҳамияти тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Конференциядан сўнг тадбир иштирокчилари Добринин майдонидаги Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Муаффар ЗОҲИДОВ,
"Жаҳон" АА мухбири.

Москва.

ТИНЧЛИКДАН УЛУҒ НЕЪМАТ ЙЎҚ

2005 йилни кузатганимизга ҳам қирқ кундан кўпроқ вақт бўлди. Демак, дўппини ёнга қўйиб, ўтган йилга назар ташлайдиган, сарҳисоб қиладиган пайт келди. Хўш, 2005 йилда нималарга эришдик? У нимаси билан хотирамизда сақланиб қолди? Режалаштирган ишларимизнинг қайси бирини бажаришга улгирдигу, қайси бирини охирига етказа олмадик? Бунинг сабаблари нимада? 2006 йилда ва келгуси йилларда мамлакат халқ хўжалигининг қайси соҳаларини ривожлантиришга асосий эътиборни қаратишимиз лозим?

Ўтган ҳафтага назар

Ўтган ҳафта жума куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида шулар ҳақида сўз юритилди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ўз маърузасида 2005 йилда халқ хўжалигининг турли соҳаларида эришилган ютуқларга ҳамда ушбу ютуқларга омил бўлган сабабларга батафсил тўхталиб ўтди. 2006 йилда юртдошларимиз олдида турган муҳим вазифаларга эътибор қаратар экан, аввало, бюджет ва солиқ ислоҳотларини чуқурлаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш, унинг юкини камайтириш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, Юртбошимиз ўз маърузасида иқтисодиётни модернизациялашни янада чуқурлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун зарур шароитлар яратиш, хусусий мулкчилик тармоғини кенгайтириш, бизнес учун қулай муҳит ташкил этиш, аҳолини иш билан таъминлаш, экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш ва валюта захираларини тежаш, уй-жой коммунал хўжалиги ислоҳотларини кенгайтириш ҳам энг устувор вазифалардан эканлигини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарасига тўхталиб, шундай деди:

— Иқтисодиётимиздаги сифат ўзгаришлари, бозор ислоҳотлари йўлидан илгари бориш ҳақида гапирганда яна бир бор таъкидламоқчиман: биз ислоҳотларни шунчаки ислоҳот учун амалга оширмаяпмиз. Ислоҳотлар қандай самара бераётгани, улар одамларнинг ижтимоий аҳволига қандай таъсир кўрсатаётганини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги жумлалардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, унинг тинчлигини таъминлашга қаратилган. Шу нақтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, 8 февраль куни юртимизга Коллектив хавфсизлик шартномаси Бош котиби Николай Бордюжанинг келишини ҳам хайрли ташриф дейиш мумкин. У мамлакатимиз раҳбари билан учрашди. Суҳбат чоғида минтақавий хавфсизликка, Ўзбекистоннинг мазкур ташкилот билан ҳамкорлигига доир масалалар муҳокама қилинди.

Ўтган ҳафтанинг муҳим воқеалари ҳақида гапирганда, буюк бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллиги кенг нишонланганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. 9 февраль куни юртимиз зиёлилари, ёзувчилар, жамоатчилик вакиллари пойтахтимизнинг Миллий боғига йиғилдилар. Шеърият байрамига бағишланган учрашув ва анжуманлар мамлакатимизнинг барча вилоят ва туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Италиянинг Турин шаҳрида 10 февраль куни тантанали равишда очилган XX қишки Олимпиада ўйинларини республикамизда Навоий таваллуд куни билан бошланган байрамнинг давоми бўлди дейиш мумкин. Чунки бу нуфузли мусобақаларда иштирок этаётган 80 дан ортиқ мамлакат вакиллари орасида юртимиз спортчилари ҳам бор эди. Ўзбекистон — серқуёш ўлка. Лекин шундай бўлса-да, республикамизда спортнинг ёзги турлари билан бирга, қишки турларини ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Мусобақада спортчиларимиз қандай ўринларни олишидан қатъи назар, бу ўйинларда иштирок этишнинг ўзи катта воқеадир. Зеро, спорт юртни дунёга танитишда жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода ўтган ҳафта мобайнида кўнгилларни ёритувчи тадбирлар кўп бўлганлиги айни муддао.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "ВимтелКом" компанияси ("Билайн" савдо белгиси) очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг мамлакатимиз уяли алоқа тизимига кириб келишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон бозорида «Билайн» савдо белгиси

Унда мазкур компания билан 1997 йилдан Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган "Юнител" очиқ турдаги акциядорлик жамияти олди-сотдиси бўйича музокаралар олиб борилганлиги ва пировардида "Юнител" ОАЖ 200 млн. АҚШ долларига сотилганлиги айтиб ўтилди. Бундан ташқари, унинг зиммасидаги 7,7 млн. долларлик қарзини тўлаш мажбуриятини ҳам "ВимтелКом" компанияси ўз зиммасига олди.

Айтиш жоизки, Россиядаги етакчи мазкур уяли алоқа компанияси ҳозирда Ҳамдўстлик давлатларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 45 млн. абонентга хизмат кўрсатади.

— Ўзбекистондаги инвестицион муҳит, шунингдек, давлатларимиз ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик бизни мамлакатингиз бозорига кириб келишга ундади, — деди "ВимтелКом" компаниясининг МДХда бизнесни ривожлантириш вице-президенти Сергей Авдеев. — Ўйлайманки, компаниямиз Ўзбекистон аҳолисига сифатли ва имкон қадар арзон нархларда хизмат кўрсатиш орқали тез орада мижозлар эътиборини қозонади.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов томонидан Қуролли Кучлар олдига қўйилган муҳим вазифалар ижросини таъминлашга бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Р.Мирзаев бошқарган тадбирда мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Бунда ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий тарбиясига қаратилаётган доимий эътибор муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз жорий йилда Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида бу борадаги муҳим вазифаларни аниқ белгилаб берган эди. Хусусан, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида унинг ўз фикри, атрофида кечаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларни, фаол ҳаётий позицияга эгалик ва ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашга эътибор янада кучаймоғи керак.

Тадбирда мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари — Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор В.Маҳмудов, мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник М.Аҳмедов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири А.Орипов, республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Қ.Аъзамов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев ва бошқалар давлатимиз раҳбари белгилаб берган мазкур вазифалар ижросини таъминлаш Қуролли Кучларимиз тизимида изчиллик билан олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг асосини ташкил этишини алоҳида таъкидладилар.

Қайд қилинганидек, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигини оширишда ҳар қандай шароитда мустақил қарор қабул қила оладиган, интеллектуал салоҳияти юксак, маънавий етук ҳарбий кадрлар тайёрлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш, барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларда тарбиявий ишларни кенг йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Жасур КЕНГБОЕВ, ЎзА мухбири.

Ҳаммаси парваришга боғлиқ

Галла — 2006

Жиззах вилояти фермерлари жорий йилда 106 минг гектар майдонда ғалла парваришлашяпти.

Мутахассисларнинг фикрича, куз фаслида нисбатан қурғоқчилик кузатилгани ғаллакорларга бироз муаммо туғдирганди. Вилоят, ҳудудида бу даврда 50-60 миллиметр — меъёридан икки баробар кам ёғингарчилик бўлди. Устига-устак, ҳароратнинг паст келиши экин ривожини бир қадар сусайтирди. Зомин, Жиззах туманларида бундай майдонлар, айниқса, кўпроқ. Кўзланган ҳосилни олиш учун эса алоҳида парвариш талаб этилади.

— Ғаллазорларнинг ҳозирги ҳолати кўнгилдагидек, — дейди Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази вилоят бўлими бошлиғи Абдуғани Илашев. — Чунки кутилаётган ҳосилни олиш мақсадида қўшимча озиқлантириш ишларига жиддий эътибор қаратилган. Айни вақтгача 50 минг гектар ғалла майдони иккинчи сувдан чиқарилди. Тез кунларда озиқлантириш ишлари бошланади.

Бу йил ғалла майдонларида бегона ўтнинг кўп бўлиши кутилаяпти. Шу боис эрта баҳорданоқ ана шу хавфнинг олдини олиш зарур бўлади. Жойларда гербицидлар захираси яратилаяпти. Фермерлар ўқуви, ўзаро тажриба алмашишлар жараёнида ғалла зараркунандаларига қарши курашиш тадбирлари белгиланмоқда.

Мавжуд 70 минг гектар ердаги лалми ғалла ривожи ҳам доимий эътиборда. Ғаллакорлар баҳорнинг дастлабки кунлариданоқ, гектарига 80-100 килограммдан азотли ёки маҳаллий ўғит сепиш каби бир қатор тадбирларни ўтказишни кўзда тутмоқдалар.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФАН-ТЕХНИКА *янгиликлари*

Минг йилликка тараддуд

Ўзбекистон тарихи давлат музейида янги кўргазма ўтказилди. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган ушбу тадбирни ташкил этишда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик, Археология илмий-тадқиқот институтлари ҳамда бошқа бир қатор илмий муассасалар яқиндан ёрдамлашди.

Кўргазманинг бой ва қизиқарли экспозицияси юртдошларимиз ва меҳмонларга манзур бўлди. Кўҳна Хоразмга бағишланган бўлимдан жой олган шаҳарнинг ўша даврдаги харитаси, қадим қалъа ва қишлоқлар ўрнида олиб борилган археологик қазилмалар маълумотлари, "Авесто", "Тиб қонунлари", "Геодезия", "Минералогия" китоблари қўлёзмасининг фотонусхалари кўргазмага ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазмадан имом Бухорий, имом Мотуридий, Аҳмад Яссавий, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк мутафаккирларнинг илмий асарлари, шунингдек, Хоразм Маъмун академиясида фаолият кўрсатган кўплаб олимларнинг ҳаёти ва ижодига ҳам кенг ўрин берилган.

Кўҳна шаҳарнинг янги лицейи

Марғилон шаҳрининг Бурҳониддин Марғиноний номли кўчасида янги академик лицей биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Миллий меъморчилигимиз андозалари асосида бунёд этилган ушбу муҳташам бино қурилишига 2 миллиард сўм маблағ сарфланди. 476-кўчма механизациялашган колонна қурувчилари барпо этган уч қаватли ўқув даргоҳида спорт зали, кутубхона, ошхона, фан кабинетлари ва бошқа қулайликлар мавжуд.

Энди бу ерда ёшлар физика, математика, геометрия, химия, биология, ўзбек ва бошқа хорижий тиллардан сабоқ оладилар. Айни пайтда академик лицейда 400 га яқин иқтидорли ўқувчилар таҳсил олишаяпти.

Умуммиллий дастур — амалда



Республикамизнинг бошқа жойларида бўлганидек, Тошкент вилоятида ҳам мактаб таълимини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.

Оҳангарон туманидаги 52 та умумтаълим мактабида ўн етти минг нафардан зиёд ўқувчи таълим олади. Ўтган йили тумандаги иккита мактаб тубдан қайта тикланди ва иккитаси мукаммал таъмирдан чиқарилди. Бутунлай янгича қиёфа касб этган ушбу мактаблар ўқувчиларининг қувончи чексиз. Улар мебель ва жиҳозлар, ўқув-лаборатория анжомлари билан тўлиқ таъминланган, замонавий спорт зали, волейбол ва футбол майдончаларига эга.

— Мактабларимизни қишки мавсумга тайёрлаш ишлари ҳам пухта амалга оширилди, — дейди таълим жараёнини таъминлаш бўлими бошлиғи Турғунбой Мерганов. — Туманда мактабларимизни иситишга мўлжалланган 41 та қозонхона мавжуд бўлиб, улардан баъзилари кўмир билан ишлайди. Айни пайтда бу борада муаммолар йўқ. Қувонарлиси, бу йил тумандаги таълим масканларининг ички иситиш тармоқларини таъмирлаш учун ҳомийлар томонидан бир миллион сўмдан ортиқроқ маблағ ажратилди.

Замонавий ускуналар тақдимоти

Беруний туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи Японияниг Халқаро ҳамкорлик банки гранти асосида замонавий таълим ускуналари ва кўргазмали ўқув қуроллари билан жиҳозланди.

Таълим муассасасида ана шу ускуналардан фойдаланишга бағишланган тақдимот ўтказилди. Унда Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа ва Амударё туманлари ҳамда Нукус шаҳридаги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларнинг раҳбарлари, тегишли мутахассис ва ўқитувчилари иштирок этди.

Тадбирда таълим бериш жараёнларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, уни замонавий технология асосида олиб бориш, ёшларнинг касбий малака ва маҳоратини ошириш, бу борада кўргазмали ўқув қуролларининг аҳамияти хусусида фикр алмашилди. Тадбир иштирокчилари ўқув жараёнлари ва талабаларнинг яшаш шароити билан ҳам танишдилар.

"Ақлли" плейерлар

Жаҳонга машҳур Уолд Дисней компанияси ғаройиб плейерлар яратиш устида ишламоқда. Мазкур ускуна инсоннинг тана ҳарорати ва қон босимига асосланиб, зарур мусиқа ёки тасвирий силсилани мустақил равишда танлайди.

Эътиборлиси, плейернинг танлаш имконияти чекланмаган. У интернет тармоғи ёрдамида қўшимча композицияларни исталган миқдорда эфирга узатиш имкониятига эга. Мабодо, амалдаги мусиқа плейер соҳибини қаноатлантирмаса, шу заҳотиёқ автоматик тарзда бошқаси янграй бошлайди.

Мутахассисларнинг фикрича, яратилажак ушбу ускуна инсон кайфиятини кўтаришда таъсирли ва ишончли воситадир.

Хабарларни Г. ЙЎЛДОШЕВА, М. ЖОНИХОНОВ, А. САМАДОВ тайёрлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг "Жиноятчиликка қарши курашишда профилактика хизматининг ролини кучайтириш тўғрисида"ги қарорининг ижросига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Халқ билан ҳамнафас бўлайлик!

Мамлакат ҳукуматининг қарори қабул қилинганидан буён ўтган беш йил мобайнида барча жойларда бўлгани каби Қорақалпоғистонда ҳам профилактика хизмати фаолияти такомиллашди. Ўша кезлари профилактика нозирлари 167 нафар бўлган бўлса, шу кунларда 311 нафар профилактика нозири эл осойишталиги йўлида фидойилик кўрсатмоқда. 200 та милиция таянч пунктлари барпо этилиб, улар ўз ҳудудларида наинки ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, балки юксак маънавият ва маърифатни, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масканларига айланди. Профилактика хизматининг роли кучайтирилгани туфайли биргина ўғирлик содир этиш шиқояти сўнгги тўрт йил ичида 43 фоизга камайган.

Айни чоғда ҳукумат қарорининг ижросини тўлиқ таъминлаш борасида бир қатор долзарб вазифалар ҳам мавжуд. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Ҳ. Абдураҳмонов, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, учинчи даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Ҳ. Ҳалимов, Нукус шаҳри ҳокими Ж. Бердихонов, Кўнғирот тумани ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси П. Қалимбетов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Уста

Сиз суратда кўриб турган Жаббор Ашуров, салкам ўттиз йилдирки, Боёвут туманидаги "Турон" пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида ишлаб келмоқда. Бу камтарин, меҳнаткаш инсон шу давр мобайнида юзлаб шогирдлар етиштирди. Шундан бўлса керак, жамоада катта-ю кичик унга "Уста" деб мурожаат қилади.

Ҳозирда Жаббор ака ишлаётган цехда кунига 40-45 тонна сифатли тола ишлаб чиқарилади. Муҳими, устанинг саъй-ҳаракатлари туфайли мавжуд ускуна ҳамда жиҳозлар бехато ва узлуксиз ишламоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ
олган сурат.



ПИЛЛАКОР МЕҲНАТИ ҚАДРЛАНМОҚДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда пилла хомашёси етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2002 йил 5 апрель) ва «Пиллачилик соҳаси корхоналарининг молиявий фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2003 йил 9 сентябрь) қарорлари қабул қилинганидан кейин бу тармоқда ҳам олиб борилаётган ислоҳотларнинг янги босқичи бошланди.

Ана шу ҳукумат қарорларида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда Хоразм вилоятида сезиларли силжишлар кўзга ташланаётир. Пилла ҳосилдорлиги ортаяпти, пиллакорларнинг меҳнати қадр топаяпти. Масалан, 2005 йилда 26 минг қути уруғлик тарқатилган эди. Улардан 1405 тонна ҳосил етиштирилиб, режа ортиғи билан уддаланди. Ҳар қути уруғдан 54,7 килограммдан хомашё олинди. Бу кўрсаткич эса олдинги йилларгига нисбатан анча кўпдир.

Биласиз, пиллакор нене умидлар билан, машаққатли меҳнати эвазига ҳосил етиштиради. Бунда, табиийки, унинг моддий манфаатдорлиги устун қўйилиши шарт. У ишига яраша ҳақ олсагина, хирмонга барака киритади. Бу масала вилоят мутасаддиларининг диққат марказида турибди. Мисол учун, ўтган йили пиллакорларга уруғлик тарқатишдан олдин 350 миллион сўм миқдорида бўнак пули берилди. Бу билан уларнинг бажарадиган меҳнати аввалдан рағбатлантирилди. Ҳосил тарозига қўйилганидан сўнг эса жами 932 миллион сўм тўланди. Қарабсизки, пиллакор ҳам хурсанд, хомашёни сотиб олувчининг ҳам юзи ёруғ.

Ислоҳот ва самара

Хўш, «Хоразм пилла» акциядорлик бирлашмаси жамоаси жорий йил мавсумига қай даражада тайёргарлик кўраяпти? Улар янада салмоқли муваффақиятларга эришиш учун қандай тадбирларни амалга оширмоқдалар? Камчиликлар, муаммолар борми?

Маълум бўлишича, вилоятда ҳозиргача 1750 тонна пилла етиштириш мақсадида 4826 та субъект ҳамда 16 минг 320 пиллакор билан контрактация шартномаси тузилган. Унга кўра, ҳар қути ипак қуртидан 56-60 килограммдан хомашё олиш мўлжалланмоқда. Тез орада эса ипак қурти боқувчиларга олдиндан 700 миллион сўм бўнак пули тарқатилади.

Айни чоғда асосий масалалардан бири — озуқа базасини мустаҳкамлашга ҳам эътибор берилаяпти. Маълумотларга қараганда, вилоят ҳудудида 3772 гектар тутзор мавжуд. Шундан 3008 гектари тут барги беради. Қолганида эса ёш кўчатлар парваришланмоқда.

Кўриниб турибдики, мўлжалдаги пиллани етиштириш учун бу база етарли эмас. Шунинг учун кузда 850,4 гектар янги тутзор барпо этилиб, унга 1 миллион 866 минг тупдан ортиқ ҳосилдор ва шу ерда етиштирилган тут ниҳоллари экилди. Эрта баҳордан бошлаб, бу иш яна давом эттирилади.

2010 йилгача мўлжалланган дастурга кўра эса, вилоятда 2 минг 697 гектар янги тутзор ташкил этилиши кўзда тутилган. Бу вилоятда пиллачилик озуқа базасини босқичма-босқич кенгайтиришга киришилганидан далолат беради.

Айтиш керакки, воҳада пиллани қайта ишлаш масаласида ҳам муаммолар бор эди. Йирик ипакчилик корхонаси ҳисобланган «Хоразм пилласи» ҳиссадорлик жамияти 2002 йил сентябрь ойида дастгоҳларнинг эскирганлиги туфайли тўхтаб қолгани бунга мисол. Аҳволни ўнглаш учун 2005 йил июль ойида ҳудудий тендер танлови ўтказилди. Унда «Romstar» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси 800 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш эвазига ғолиб чиқди. Агар бу корхонада ишлар юришиб кетса, йилига 500 тоннага яқин пилла қайта ишланиб, ундан 160 тонна ипак маҳсулоти ишлаб чиқарилади, 370 та янги иш ўрни очилади. Бу дегани — эндиликда вилоятда етиштириладиган барча пилла хомашёси шу ернинг ўзида қайта ишланади. Тармоқда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳам шудир.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Генерал ёрдамчиси ҳибсга олинди

Сербия полицияси Саши Баднярнинг қамоққа олинганини маълум қилди. У собиқ Югославия армияси генерали Ратко Младичнинг яшириниб юришига ёрдам берганликда айбланмоқда. Саши Бадняр ўтган асрнинг 90-йилларида генералнинг ёрдамчиси бўлиб хизмат қилган.

Гаага ҳарбий трибунали Ратко Младич ва босниялик серблар собиқ етакчиси Радован Каражични ҳарбий жиноятларда ва генноцидда айбламоқда. Ратко Младич 1995 йилда босниялик серблар ҳарбий кучларига қўмондонлик қилган. У Сараево қамали пайтида саккиз минг нафар одамнинг ўлимида айбдор деб гумон қилинаяпти. Гаага трибунали яна бир бор Сербия ҳукуматини ҳарбий суд билан ҳамкорлик қилишга чақирди.

Савдо тақчиллиги ошмоқда

АҚШнинг ташқи савдо тақчиллиги рекорд даражага етди, дея хабар беради «Би-Би-Си». Мамлакатда экспорт ҳажмининг ошиб боришига қарамасдан, нефть нархининг ҳаддан ташқари қимматлашиб кетиши ташқи савдо тақчиллигининг ўсишига олиб келмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилда 725 миллиард долларни ташкил қилди, яъни 18 фоизга кўтарилди.

Орол мустақиллик сўрайди

Тинч океанининг жанубий қисмида жойлашган Токеалу оролида алоҳида давлат сифатида мустақил бошқарув жорий этилиши юзасидан референдум ўтказилди. Агар орол аҳолиси мустақиллик учун овоз берса, сайёрамизда яна бир кичик давлат пайдо бўлади. Айни пайтда Янги Зеландия бошқарувида бўлган оролда бор-йўғи бир ярим минг нафар аҳоли яшайди. Токеалунинг умумий майдони 12 квадрат километрни ташкил этади.

Сайлов жараёнида БМТнинг тўрт нафар кузатувчиси иштирок этди. Референдумда қатнашиш учун 600 киши рўйхатга олинди. Сайлов натижалари беш кундан кейин маълум бўлади.

Вирус туфайли

Reuters ахборот агентлигининг хабар тарқатишича, Индонезияда парранда гриппидан яна бир киши ҳалок бўлди. Мазкур ҳолатни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти гувоҳномасига эга бўлган Гонконг лабораторияси ходимлари ҳам тасдиқлашса, мамлакатда ушбу вирус туфайли ўлганлар сони 19 нафарга етади.

Шароннинг соғлиғи ёмонлашди

Ha'aretz газетасининг хабар беришича, Исроил бош вазири Ариэль Шароннинг соғлиғи яна ёмонлашган. Бу ҳақда Куддусдаги «Адаса» шифохонаси бош шифокори Шлом Мор-Йосеф маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, Шарон жарроҳлик операциясидан муваффақиятли чиққан, бироқ айни пайтда унинг аҳволи анча мушкул.

76 соатлик парвоз

Америкалик саргузашталаб Стив Фоссет тўхтовсиз узоқ масофага учиш бўйича жаҳон рекордини ўрнатди. У Virgin Atlantic GlobalFlyer тажриба самолётида 76 соату 45 минут давомида 42 469 километр масофани босиб ўтди.

Флоридадан йўл олган самолёт техник носозлик туфайли Англия жанубидаги аэропортлардан бирига қўнишга мажбур бўлди. Бироқ Стив Фоссет рекордни янгилашга эришди. Ундан олдин 1986 йилда Дик Рутан билан Жине Йегер узоқ масофага тўхтовсиз учиш бўйича жаҳон рекордини ўрнатган эдилар. Улар Voyager самолётида 40 212 километр масофани босиб ўтишганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Молия вазирларининг учрашуви

Москвада «катта саккизлик» давлатлари молия вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Манбаларда айтилишича, энергетика хавфсизлиги ва камбағал мамлакатларнинг қарзларидан воз кечиш масалалари музокараларнинг бош мавзуси бўлган.

Вазирлар глобал иқтисодиётни ривожлантириш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва жаҳон бозорида энергетика хомашёлари нархларини мустаҳкамлашга алоҳида урғу беришди. «Катта саккизлик» давлатлари молия вазирлари Россия Президенти Владимир Путин билан ҳам учрашдилар.

Зўравонлар жазоланади

Якшанба куни Англиянинг «Ньюс оф зе Уорлд» газетаси британиялик ҳарбийларнинг ироқлик ўсмирларга нисбатан қўпол муомалада бўлаётгани акс эттирилган суратларни чоп этди. Таҳририят берган маълумотларга қараганда, бу воқеа икки йил муқаддам Ироқ жанубида содир бўлган.

Араб телевидениеларида мазкур лавҳанинг дамба-дам берилиши Ироқ аҳолисида норозилик уйғотди. Буюк Британия бош вазири Тони Блэр ушбу воқеа муносабати билан расмий чиқиш қилиб, британиялик ҳарбийларнинг зуғуми тўлиқ текширилиши ва айбдорлар жазоланишини билдирди.

Кутилмаган текширув

Токио полицияси Mitsutoyo Corp компанияси офисида кутилмаганда текширув ўтказди. Полициячилар компания раҳбарияти Хитой ва Таиландга ядро технологиялари ва уранни бойитиш жиҳозларини жўнатган бўлиши мумкин, деб тахмин қилишмоқда.

Компания маъмурияти вакиллари мазкур воқеага изоҳ беришни рад этишаяпти.

«VIRA INTERPRAYZIZ» МЧЖ бир лаҳзали

«ИШОНЧЛИ ЎЙИН»

пул-буюм лотереясида 40 та «Daewoo MATIZ» русумли автомашина ўйналган. Биринчи чиқарилган чипталарни сотиш ниҳоясига етганлиги муносабати билан ютуқли чипталар ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб уч ой мобайнида тўлов учун қабул қилинишини маълум қилади.

Юқорида кўрсатилган муддат ўтганидан кейин ютуқли чипталар тўлов учун қабул қилинмайди.

2107/1/218

"TOG'LAR" MCHJ



БЭМЗ МПЗ ВЭТЗ

ШАХСИЙ ОМБОРХОНАДАН ВА БУЮРТМАГА АСОСАН

+ Электродвигателлар 1 кВтдан 1 мВтгача
+ Дизель-электростанциялар 8 кВтдан 630 кВтгача
+ Кабель (ААШВ, АСБ, АВВГ, КГ ва бошқа русумлар)
+ Трансформаторлар, трансформатор жамламалари (подстанциялар. КТП, ГКТП, ТП, КСО, ВРУлар)
+ Авиа ва аэродром электр жиҳозлари
+ Прожекторлар ва ёритгичлар (ЛПО, ЛВО, ЛСП, ПКН, ИО ва ҳк.)
+ Ёритиш мосламалари жамламаси
+ Божхонада юкларни расмийлаштириш хизматлари



Тел.: (+998 98) 128 5987, (+998 97) 107 2841, (+988 712) 56 0955. Т./Ф. (+988 71) 152 1629. E-mail: toglar_uz@mail.ru

2150R/

ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН, ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 242-хона E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Республика "Оила" илмий-амалий маркази-да Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорлигида "Оила шифокори — оила таянчи" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ОИЛА ШИФОКОРИ – ОИЛА ТАЯНЧИ

Мазкур марказ директори В.Каримова тадбирни очар экан, мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани, шифокорнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи янада ортиб, улар ҳар томонлама моддий ва маънавий рағбатлантирилаётгани, оилавий шифокорлик тизими шаклланаётганини таъкидлади.

Анжуманда жорий йилнинг Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши шифокорлар зиммасига янада катта масъулият юклаши, шу билан бирга, соғлом турмуш тарзи барча учун қоидага айланиши зарурлигига эътибор қаратилди. Бу борада жойлардаги поликлиникаларни оилавий шифохонага айлантириш беморларга тиббий хизмат кўрсатишни юксак босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади. Оилавий шифокор ҳар бир оилага кириб бориши, унинг аъзолари саломатлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиши, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини барқарорлаштиришда хотин-қизлар қўмиталари, "Оила" марказлари мутасаддилари, маҳалла маслаҳатчилари билан узвий ҳамкорликда фаолият юритиши зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда жойларда "Энг яхши оилавий поликлиника", "Энг намунали участка шифокори" каби мавзуларда мунтазам равишда танловлар ўтказиш белгиланди.

Ҳадича ИСОМИДДИНОВА. (ЎзА).

САЛОМАТЛИК – ТУМАН БОЙЛИК

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш устувор вазифалардан бирига айланмоқда. 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши ана шу эътиборни янада юқори даражага кўтарди. Таъбир жоиз бўлса, ушбу йилни ўтган «Сиҳат-саломатлик йили»нинг мантиқий давоми дейиш мумкин. Мухбиримизнинг республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институт директори, профессор Мирҳаким АЗИЗОВ билан суҳбати шу мавзуда.

— Ҳақиқатан, ўтган йили асосий эътибор соғлиқни сақлашнинг моддий асосини бойитиш, янги замонавий даволаш ва ташхислаш асбоб-ускуналари билан таъминлаш, врачлар малакасини оширишга қаратилган бўлса, — деб сўз бошлади суҳбатдошимиз, — бу йил тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, меҳнат ҳақини оширишдан бошланди. Институтимиз мисолида кўрадиган бўлсак, 2005 йилда клиникамизга ультратовуш диагностика аппарати, оптик рентген аппарати (ЭОП) сингари қимматбаҳо ускуналарни олишга муваффақ бўлдик. Бир неча ходимларимиз чет элларда малака ошириб келдилар. Травматолог-ортопедларнинг бошқа мамлакатлардан келган мутахассислар билан биргаликда йирик илмий-амалий анжуманини ўтказдик. Буларнинг барчаси травматология ва ортопедия хизматининг ривожига ўз ҳиссасини қўшади деб ўйлайман.

— Сиз раҳбарлик қилаётган институт шифокорлари, бўлимлари қандай касалликлар ва шикастланишларни даволаши ҳақида қисқача ахборот берсангиз.

— Травматология ва ортопедия бўйича илмий тадқиқотларнинг асосий йўналиши — мамлакатимиз аҳолиси ўртасида травматизм ва ортопедик касалликларни камайтириш мақсадида ташкилий профилактик ва даволаш-диагностика тадбирларини ишлаб чиқишдир. Ҳозирги кунда институтда 60 дан зиёд малакали травматолог-ортопед, шу жумладан, 10 фан доктори ва профессор, 27 фан номзоди фаолият кўрсатяпти. Институт таркибида саккизта клиник бўлим ва рентгенология, клиник-биохимия, биомеханика, электрофизиология лабораториялари бор.

Институтимизнинг энг йирик бўлимларидан бири — бу катталар ортопедияси бўлимидир. Мазкур бўлимда йирик бўғимлар артрозлари, артритлари ва уларнинг асоратлари, узун суяклар деформациялари, суяк ўсмалари, жароҳатлар асоратлари замонавий усуллар билан даволанилади. Ўзбекистонда эндопротезлаш бўйича энг фаол ишлаётган бўлим ҳам шудир.

Институтнинг вертебрология бўлими умуртқа поғонаси шикастланишлари ва касалликларини даволашга ихтисослашган бўлиб, унда аҳоли ўртасида кенг учраб турувчи остеохондроз, умуртқа диски чурраси, спондилолистез, умуртқа синишлари каби патологияларни тезкор ва консерватив даволаш усуллари йўлга қўйилган.

Шунингдек, институтимизда болалар ортопедияси ва ўсмирлар ортопедияси бўлимлари мавжуд бўлиб, уларда тана суяклари ва бўғимларнинг болалар ва ёшларда учровчи туғма ва орттирилган касалликлари муваффақиятли даволаниб келинмоқда.

Бундан ташқари, институтимизда таянч-ҳаракат аъзолари жароҳатларини даволовчи катталар ўткир шикасти, компрессион-дистракцион остеосинтез ва болалар ўткир шикасти бўлимлари бор. Суяк синишларини даволашда бу бўлимлар юртимизда энг пешқадам десак, муболаға бўлмайди. Яқинда, қайта ташкил этилган спорт шикастлари бўлими ҳукуматимиз томонидан спортга берилган катта эътибор натижасида вужудга келди ва унинг олдига мамлакатимиз спортчиларига юқори малакали травматолого-ортопедик ёрдам кўрсатиш вазифаси қўйилган.

Агар институтнинг ўтган йилдаги фаолиятига назар соладиган бўлсак, клиникамизда 5000 дан ортиқ бемор муқим шароитда даволанганини, улардан 2500 дан ортиғи операция қилинганини кўрамиз. Институт қошидаги тез ёрдам қабул бўлимида йилига 20000 дан ортиқ жароҳат олганларга малакали ёрдам кўрсатилади, консультатив поликлиникада эса 30000 дан ортиқ киши кўрикдан ўтказилади.

— Институт ҳозирги вақтда қандай илмий-амалий изланишлар устида иш олиб бормоқда?

— Сўзимиз аввалида институтнинг амалий фаолияти билан таништириб ўтдик. Институтимизнинг бошқа даволаш муассасаларидан фарқи шундаки, бизда травматология ва ортопедия соҳаси бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилади. Сўнгги 3 йил ичида институтимиз Фан ва технологиялар марказининг 10 та илмий ва 3 та инновацион грантларига сазовор бўлди. Илмий-тадқиқотлар ҳозирги кунда долзарб муаммоларни ечишга қаратилган. Масалан, суяк синишларида функционал стабил остеосинтез усуллари, янги стерженли компрессион-дистракцион аппаратларини ишлаб чиқиш бўйича кенг изланишлар олиб борилянти. Қарияларда суяк мўртлиги туфайли бўладиган синиқларни битиришга ёрдам берадиган даволаш усуллари ишлаб чиқилмоқда. Болалар жароҳати бўлимида сон ва болдир суяклари синганда силжиган суяк бўлакларини жойига қўядиган шина ишлаб чиқилди. Оғир, кўп сонли ва аралаш жароҳатларда организмда бўладиган иммун ва биохимик ўзгаришларни ўрганиш ҳамда бу ўзгаришларни тез бартараф этиш бўйича даволаш усуллари таклиф этилди. Катта ёшдаги кишиларда йирик бўғимларнинг артрозлари, умуртқа касалликлари кўп учрайди. Бутун дунёда кенг қўлланиб келинадиган бўкса бўғимини эндопротезлаш, умуртқани транспедикуляр фиксациялаш сингари энг замонавий усуллар бизда татбиқ этилди ва йўлга қўйилди.

Ушбу ишлар якунлари бўйича 200 дан ортиқ илмий мақолалар, тезислар, услубий кўрсатмалар ва ахборот хатлари чоп этилди, олимларимиз яратган янги усуллар ва қурилмаларга 11 та ихтирога патент олинди.

— Мирҳаким Жавҳарович! Ўзингизга маълум, ҳозирги вақтда ҳар қандай илм-фан йўналишлари республика миқёсида ва бошқа мамлакатлардан ҳамкасблар билан интеграция асосида олиб борилса, дуруст самара беради. Шу жиҳатдан қандай тадбирлар амалга оширилянти?

— Албатта, фан, шу жумладан, травматология ва ортопедия фани тараққиётини дунёда эришилаётган ютуқлар билан боғламасдан тасаввур этиб бўлмайди. Институтимиз билан Россия, Украина, Қозоғистоннинг энг йирик илмий марказлари ўртасида узвий алоқалар ўрнатилган. Олимларимиз Ҳамдўстлик мамлакатлари ва олис хорижга тез-тез сафарларга чиқадилар, илмий маърузалари билан йирик илмий анжуманларда қатнашадилар. Масалан, 2001-2005 йилларда Россия, Украина, Беларусь травматолог-ортопедларининг съездларида институтимиз олимлари фаол қатнашдилар ва тажриба алмашдилар. Бир қатор мутахассисларимиз Буюк Британия, Австрия ва Туркия давлатларида илмий сафарда бўлдилар. Мен ўзим Халқаро травматолог-ортопедлар жамиятига (SICOT) аъзо бўлиш шарафига эришдим. Институт кутубхонаси Россия, Украина, Қозоғистон сингари қўшни мамлакатлардан энг янги илмий адабиётларни олиб, ўз фондини доимий янгилаб туради.

Мурожаат учун қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилишингиз мумкин: 133-10-82, 133-80-04.

Суҳбатдош: Усмон УСМОНОВ.

MS Consult ISO 9001

Ўзбекистонда ISO 9001:2000 бўйича халқаро сертификатига эга бўлган ягона консалтинг компанияси

• ISO 9001:2000 халқаро стандарт бўйича Сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича консультация ўтказади

TÜV CERT EN ISO 9001

• Қуйидаги тренинг-курсларга ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

- "ISO 9001:2000 бўйича Сифат бошқаруви тизими менежери"
- "ISO 9001:2000 бўйича Сифат менежменти тизимини ишлаб чиқариш"
- "ISO 9001:2000 Сифат менежменти тизими бўйича ички аудитор"
- "ISO/TS 16949:2002 бўйича автомобиль саноати учун Сифат менежменти тизими"
- "ISO 1400:2001 бўйича Экологик менежмент тизими"
- "OHSAS 18001 бўйича касбий соғлиқни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик тизими"

Тел./факс: (998 71) 136-55-34, 120-55-35, 133-32-60, (998 97) 111-07-49. e-mail: info@ms-consult.uz, ms-consult@mail.ru web site: www.ms-consult.uz

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Фарғона вилояти Учкўприк тумани Давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатган

«Бурхон», «ТОО Осиё», «ККД Наргиза», «SMG Mostang», «Super Vacanta», «Санс Фловерс», «Барс Аякс», «Фозил-1», «Ҳуррият», «Золотая Монета», «Super magy», «The Population», «The Best country», «Фар Водий Имкон», «Карвон», «Худоёр Амир Али», «Шухсан-Р», «ОМГ Захро», «Нуҳ Навниҳол», «Них-Пластик» хусусий фирмалари Фарғона вилояти хўжалик судининг 2005 йил 26 декабрь кунидаги 15-05-09/12946, 15-05-09/12947, 15-05-09/12948, 15-05-09/12949, 15-05-09/12950, 15-05-09/12951, 15-05-09/12952-сонли, 28 декабрь кунидаги 15-05-05/12090-б, 15-05-05/12099-б-сонли, 2006 йил 11 январь кунидаги 15-05-02/12653, 15-05-02/12654, 15-05-02/12655, 15-05-02/12656, 15-05-02/12657, 15-05-02/12658, 15-05-02/12659, 15-05-02/12660, 15-05-02/12661, 15-05-02/12662-сонли, 2006 йил 27 январь кунидаги 15-06-08/161-сонли ҳал қилув қарорларига асосан

банкрот деб эътироф этилди ва тугатиш ишлари бошланди.

Ушбу фирмаларга алоқадор шахс ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ҳақдор корхона ва ташкилотлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 (бир) ой муддат ичида қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Ўқитувчилар кўчаси, 20-«А» уй, Учкўприк тумани Давлат солиқ инспекцияси, 4-хона. Телефонлар: 515-27-34, 515-19-72, код 8-(373).

МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ички танлов ўтказиш йўли билан ногиронлар аравачаси ва эшитиш мосламаларини харид қилади.

Танловда иштирок этиш истаги бўлган корхоналар томонидан таклиф қилинаётган:

- ногиронлар аравачасининг сифат-сертификати, мувофиқлиги, нархи, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, имкониятлари ва манзили;
- эшитиш мосламаларининг сифат-сертификати, мувофиқлиги, республикамиз ҳудудида уларни таъмирлаш имкони ва эҳтиёт қисмларининг мавжудлиги;
- ногиронлар аравачаси ва эшитиш мосламаларининг имкон қадар арзонлиги ва маҳсулот эксплуатациясидаги кафолат муддатлари тўғрисидаги маълумотлар эълон чиққан кундан бошлаб, икки ҳафта муддат ичида вазирликнинг танлов комиссиясига тақдим этилиши лозим.

Мурожаатлар қабул қилингандан сўнг танлов ўтказиш куни белгиланади. Зарурат бўлган тақдирда, танлов комиссияси томонидан, жойларга чиқиб, ишлаб чиқариш шароити ва имкониятлари ўрганиб чиқилади.

Қўшимча маълумотлар учун вазирликка қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 139-88-33, 139-88-45.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Авлоний кўчаси, 20-А уй, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.

KAMMAZ ARSENAL

юк машиналари учун ШИНА таклиф этади

Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.

Сайт: www.uzkam.com

Товар сертификатланган

Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (мўлжал — Бобур боғи)

«ГРАНА» Алтай - Россия

МУКА в ассортименте КРУПЫ

Мы уже в Узбекистане

Мука в/с 50кг, 10кг, 5кг, 2кг
Мука 1сорт
Мука ржаная
Крупы гречневая, гороховая, перловая, ячневая, манная, геркулес

«ГРАНА» - это экологически чистый продукт, гарантия качества и доброта России

Грана

ОПТОВАЯ ПРОДАЖА от 10 тонн

г. Ташкент ул. Архитекторов,17
тел./факс 148-04-01
тел. 103-04-39, 343-52-38
E-mail: grana-altay@bk.ru

товар сертифицирован

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун



Давлатчилик тарихида ҳар бир юрт султони томонидан ўнлаб, юзлаб амр, фармонлар, фармойишлар берилган. Албатта, бу ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти муҳимлигини инкор қилмаган ҳолда умумдавлат, умуммиллат манфаатини кўзлаган, юрт тарихи ва тараққиётида ўз аксини қолдирган шундай давлат ҳужжатлари, мамлакат бошлиғи фармонлари борки, улар ҳар даврда алоҳида ажралиб туради. Ушбу таъриф темурий шоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ҳам тааллуқли.

ИККИ «АЗИМУШ-ШАЪН» ФАРМОН

Асл мақсадга кўчишдан олдин мақоламизга асос бўлган сатрларни "Бобурнома"дан келтирсак. Бобур ёзади: "Бурунроқ ният қилиб эрдимким, Раана Сангаа кофирга қарши зафар топсам, тамғани мусулмонларга бағишлай. Тавба асосида Дарвеш Муҳаммад сорбон била Шайх Зайн тамға бахшишини ёд бердилар. Дедимким, яхши ёд бердингиз, илигимиздаги вилоятда мусулмонларнинг тамғаси бахшиш бўлди. МунШийларни тилаб, буюрдимким, бу икки азимуш-шаън умурким, воқиъ бўлди, бунинг ихбориға фармонлар битгайлар. Шайх Зайнннинг иншоси била фармонлар битилиб, жамиъ қаламравға йиборилди."

Бобур Раана Сангаага қарши ушбу урушга қандай ҳозирлик кўрди, унинг асл сабаблари нимада эди, бу алоҳида масала. Биз ушбу муҳорабани катта ғалаба билан якунлаган Бобур нима учун фармон бериб, уни "АЗИМУШ-ШАЪН" деб атаганлигига эътиборни қаратмоқчимиз.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, Бобурнинг бу фармонида, Оллоҳга ШУКР этиш масаласи юксак тарбиявий оҳангда ўз ифодасини топган. Бобурнинг астойдил шукр дейишга асоси бор эди. Ахир, ўз юртида, ўзининг қондош темурийзодаларининг маънисиз тож-тахт талашишлари, сарсон-саргардонликдан сўнг тақдир унга Ҳиндистондек буюк давлатни ўз тасарруфига киритишни насиб этди, бу мамлакатнинг йирик-йирик шаҳарлари аҳолиси қарийб курашсиз унга бўйсундилар. Шу боис, Бобур ***"ҳар неъматга бирор шукр лозим ва ҳар шукрга унинг кетидан бирор неъмат"*** деган ҳикматомуз фикрга фармонидан жой беради. Бемалол айтиш мумкинки, Бобурнинг бу фикри бугунги мустақиллигимизнинг ҳар бир неъмати, ютуғига шукроналар қилишимиз лозимлигига ҳам асос беради. Чунки, бугунги шукримиз ортидан келгусида "бирор неъмат"нинг келиши аниқлиги ҳам тайин.

Бобур ўзининг бу фармонида "шукр" мавзуига янада чуқурроқ кириб боради. Қаламравида бўлган зобиту аскарлари, беку шаҳзодалар, баъзан мулойим, гоҳида яккаш зодагон хонимларни инсофга чақириш, Ҳинд ўлкасининг диққинафас иқлимига чидам бериш, Аллоҳ насиб эттирган юксак зафарлар шукронаси боис, Бобур салтанатига садоқат билан хизмат қилиш руҳиятини сингдиришга ҳаракат қилади. Бобур бу лаҳзада аниқ тасаввур этганки, қўл остидагиларга зулм, ситам, жазо ва қистовлар ўтказиш билан уларни Ҳиндистонда олиб қолиш мумкин эмас. Шунинг учун Раана Сангаа устидан ғалаба қилиш учун фақат лашкар сафини жипслаштириш, ҳиёнат, сотқинлик ва айниқса, қочқинликка йўл бермасликнинг ягона йўли маънавий таъсир орқали иш кўриш деб билади ва "шукр" тушунчасига яна урғу беради: "Шукр шундай бир неъмат муқобилида бўлсаки, дунёда ҳеч бир бойлик ундан буюкроқ ва охиратда бирор-бир яхшилик ундан гўзалроқ бўлмаса".

Заҳириддин Бобурнинг бу фармонида унинг давлатчилик сиёсати, ўша даврда тасарруфга киритилган юртларга темурийлар салтанати қоида-қонунларининг кириб бориши, унинг амалда ишлаши, солиқлар низомига риоя этиш ва этмаслик каби саволларга ҳам аниқ жавоб оламиз. Бобур ўзига қарши отланган Раана Сангаани, энг аввало, Ҳиндистонда Амир Темур салтанати томонидан жорий этилган қоида-қонунни поймол этганлиги, Бобур давлатчилиги қонунларини писанд этмаслиги учун эмас, унга қарши қўшин тортиб, аҳдни бузганлиги учун айблайди. Бобур фармонида ўқиймиз: "Кофирлар туғини ислом мамлакатларининг икки юзга яқин шаҳрида тиккан эди. Масжид ва ибодатхоналарни хароб қилиб, у жойлардаги мўминларнинг хотин, бола-чақаларини асир қилди".

Бобур ўзининг мазкур фармони билан Шарқ тарихида мисли кўрилмаган юксак маънавий даражасини кўрсатади: агарчи бунда ҳиндулар унга қарши душманодаги сатрларни ўқиймиз: "Эй фарзанд! Ҳиндистон мамлакати турли мазҳаблардан иборат. Субҳонолло таоло ҳаққи сенга буюрилдики, ҳар бир мазҳабга пок қалб билан қарагин, ҳар бир мазҳаб ва тариқатга адолатли бўл. Хусусан сигирни қурбон қилишдан сақлангинки, бу Ҳиндистон халқининг қалб ардоғи ва бу вилоят аҳли подшоҳга яхши назар билан боғланади..."

Заҳириддин Бобурнинг бу васияти маълум сабабларга кўра унинг фарзандлари томонидан кенг миқёсда амалга оширилмаган бўлса ҳам, ўғли Ҳумоюннинг фарзанди Акбаршоҳ бобоси Бобур мирзонинг васиятларини боридан кўра юксак даражада адо этди, ҳатто у Ҳиндистонда ислом ва будда динларининг муштарак — омихта динини яратишга ҳам уриниб кўрди.

Хуллас, Бобурнинг бу муҳим фармони заминида унинг маълум даражадаги бағрикенглиги, шароитдан келиб чиқиб, салтанатда иқтисодий ҳолатнинг кескинлашувига қарамасдан оддий халқ манфатини кўзлагани билан ҳам муҳим.

Бобурнинг иккинчи "азимуш-шаън" фармони бевосита биринчи фармон билан чамбарчас боғлиқ. Аниқроқ қилиб айтсак, бу фармон хронологик ва тарихий воқеаларнинг акс этиши жиҳатидан юқоридаги фармондан олдинроқ юзага келиши керак эди. Бироқ, Бобур Раана Сангаа билан бўладиган йирик муҳорабага тайёрланар экан, мазкур фармонни бериш маълум муддатда орқага сурилган эди.

Агар Бобурнинг бу фармони дебочасига назар солсак, унда Аллоҳ томонидан берилган ризқ ва имкониятларга шукроналик баён этиш асос қилиб олинган бўлса, иккинчи фармон инсон тарбиясининг яна бир томони — Қуръонда ва Ҳадиси шарифда бир неча марта зикр қилинган НАФСНИ ТИЙИШга бағишланади. Чунки мазкур фармоннинг бош ғояси ва шоҳ Бобурнинг мақсади ҳам бутун қаламравида май, шароб ва инсонни сархуш этувчи ичимликларни ман этиш, ҳеч қаерда, ҳар қандай шароитда уни истеъмол этмаслик фармони эди, бу: "... инсон табиати ўзининг яратилиши бўйича нафс лаззатларига мойилдир, завқ келтирувчи ёқимли нарсаларни тарк этиш Худонинг тавфиқ беришига ва осмоний кўмакка боғлиқ. Башар нафси ёмонликка майл этишдан узоқ эмас".

Заҳириддин Бобурнинг ушбу фармони мазмунига киришишдан олдин унинг майдонга келиши заминига бир назар солсак. Бобурнинг ўзи 23-24 ёшига етгунга қадар шароб истеъмол қилмаган ва бу одатни у ўзига жуда бегона билган. Бироқ темурийлар, айниқса, Ҳусайн Бойқаро саройидаги майпарастлик, унинг ўғиллари Бадиуззамон мирзо ва Музаффар мирзонинг меҳмондорлигига қатнашган Бобурда умуман майга рағбат бўлмаганлиги ("Кичикликта бемайл эдим, чоғир (май, шароб — Ҳ.Қ.), нашъа ва кайфиятин билмас эдим. Отам гоҳиким чоғир таклиф қилсалар ҳам узрлар айтиб иртикоб қилмас эдим") алоҳида таъкидланган.

Бобурнинг юқоридаги фармони билан бу тасвирнинг бевосита алоқаси бор. Бобур ҳаммаси бўлиб 47 йил умр кўрган. Ҳаётининг 23 ёшигача май ичмаган, вафотидан икки йил олдин юқоридаги фармон боис нафақат ўзи, балки бутун салтанатида шароб ичишни ман этган. Бадиуззамон мирзо базмида Бобурнинг на қадар май ичишга лоқайдлиги, бепарволиги, бу ишдан ҳазар қилиши, темурийзодаларнинг мастликка ружулари баландлигини афсус билан ёзади.

Бироқ замонанинг Бобур бошига туширган ташвишлари, Ҳисор тоғларида яланг оёқ юриб, товонлари ёрилиб кўмак берадиган бирон кимсаси қолмагандан, атрофдагиларининг хиёнаткорлиги ва айримларининг муртадлиги Бобурнинг ҳам майга юз тутишга, май, чоғир, маъжун истеъмол қилишига сабаб бўлган. У юқоридаги фармонни бергунига қадар уч марта май ичмасликка аҳд қилади, аммо уни тарк этишга иродаси етмайди:

Май таркини қилғали паришондурмен,
Билмон қилур ишимнию ҳайрондурмен.
Эл барча пушаймон бўлуру тавба қилур,
Мен тавба қилибмену пушаймондурмен.

Юқоридаги айрим мисоллардан кўринадики, Бобур қаламравида майни тарк этиш фармонини бергунга қадар ўзининг ички оламида катта қарама-қаршиликлар, руҳий курашларни бошидан кечирган.

Барибир, шунга қарамасдан, Бобур ўзини енгади, фармон кучга киради. Бироқ, масаланинг бошқа томони — нега фармон айнан Бобурнинг Раана Сангаа билан бўладиган йирик муҳорабасидан олдин берилди? Бу жуда катта сиёсий, ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга молик масала. Чунки Бобур темурий салтанатнинг яхлитлигини, энг аввало, давлатчиликдаги тартиб-интизом, соғлом ақл ва ҳушёрлик заминида кўради. У фармоннинг асосий мақсадига кўчишдан олдин қўл остидаги бекзодалар, амирлари билан психологик тарбия олиб боради, майни тарк этиш киши руҳиятини поклаши қатори инсонда иродани тарбиялаши, душманга қарши бирликка куч бериши, қолаверса, бу интилиш шариат қонунига риоя этиш ҳам эканлигини уқтиради.

Юқоридаги матндаги Бобурнинг бир-икки фикрига диққатни тортамиз. Биз мумтоз адабиётимиз дурдоналарини мутолаа этиб, уни замондошларимизга имкониятимиз етгулик даражада тақдим этар эканмиз, биринчи галда бу манбалар бугунги ёш авлодни, умуман, инсоннинг тарбияси, ахлоқи, жамиятга бўлган муносабатига қанчалик фойдаси тегишини, унинг мутолаасидан кейин биз ўзимиздаги қайси иллатдан Бобур сингари мардларча халос бўлишга интилишимизни назарда тутишимиз керак. Бобур "тавба эшикларини тўлиқ жиддият билан қоқдик" демоқда. Демак, инсон ўзида мавжуд ношоиста ҳаракатлардан ҳавас билан, мавсумий тарзда халос бўла олмайди, унга барҳам беришга жиддийлик, ирода кучлилиги орқали эришиш мумкин, жумладан, майпарастликдан ҳам. Шубҳасиз, Бобурнинг бу ўгити бугунги ёшларимизни гиёҳвандлик, ароқхўрлик, диний экстремизм кўчаларидан йиғиштириб олишга, мустақиллик неъматларидан шукроналикни бажо келтиришга, ақидапарастлик кўчаларига кириб қолган бўлсалар, ўзларини енгиб чиқишларига бир чақириқдир.

Заҳириддин Бобурнинг бу фармони ўша заҳотиёқ халқ томонидан мамнуният билан қабул қилинган. Фармонда келтирилишича, "подшоҳнинг меҳрибончилигига сиғинган турк, тожик, араб, ажам, ҳинди, форсий фуқаро ва сипоҳ — бутун миллатлар, ҳамма инсон тоифалари бу мангу бахшишга суяниб, умид тутиб, абадийликка бириккан давлатимиз дуосига машғул бўлсинлар ва бу ҳукмлар ижросидан чиқмасинлар ва бурилмасинлар, фармонга мувофиқ иш олиб борсинлар".

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бу икки фармони бизнинг давримизда ҳам қимматини йўқотган эмас. Орадан 500 йилга яқин вақт ўтган бўлса ҳам барча миллат ва элатларда меҳр, шафқат ва саховатга муҳтожлик, инсон умрига, оила иқтисодига таҳдид солувчи ўринсиз солиқлардан озод бўлиш, жамиятни ичкиликка муккасидан кетган кишилардан асраш, уларни инсофга чақириш ҳамон давом этаётган экан, Бобурнинг "икки азимуш-шаън" фармони шу иллатлардан халос этиш йўлида хизмат қилаверади.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қурилишни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича такрорий танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

№	Иншоот номи	Қурилишни тугатиш муддати
1.	Бухоро шаҳридаги маданият техникумини 540 ўқувчи ўрнига мўлжалланган касб-ҳунар коллежига қайта таъмирлаш	2006 йил 3-чорак
2.	Ғиждувон тумани, «Бухтарой» КФЙдаги қишлоқ касб-ҳунар коллежини қайта таъмирлаш (100 ўринли ётоқхона, устахона)	2006 йил 3-чорак
3.	Вобкент туманидаги 540 ўқувчи ўрнига мўлжалланган қурилиш касб-ҳунар коллежи қурилиши	2006 йил 3-чорак
4.	Когон туманидаги 540 ўқувчи ўрнига мўлжалланган касб-ҳунар коллежи қурилиши	2006 йил 3-чорак
5.	Ромитан туманидаги 720 ўқувчи ўрнига мўлжалланган касб-ҳунар коллежи қурилиши	2006 йил 3-чорак
6.	Пешку туманидаги 540 ўқувчи ўрнига мўлжалланган тиббиёт касб-ҳунар коллежи қурилиши	2006 йил 3-чорак

Буюртмачи — Бухоро вилояти ҳокимлиги қошидаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 5-уй.
Тел.: 223-63-26, 223-62-17.

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар заҳирасига, шартнома тузиш юзасидан фуқароликмуомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга, ўзаро ишончга, тажриба ва кўникмага, шунингдек, етарли ишчи кучи заҳираларига ҳамда қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 5-уй, 18-хона. Телефон: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Оферталар юқоридаги манзилда соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 1-уй, вилоят ҳокимиятининг кичик залида соат 10.00 да.

2145Ю/258

АҚШ элчихонаси котиба-телефон оператори бўш иш жойи очилганлиги ҳақида эълон қилади

Ушбу ходимнинг асосий иш вазифаларига: маҳаллий ва шаҳарлараро қўнғироқларга жавоб бериш, факсларни жўнатиш ва қабул қилиш, қўнғироқ қилганларга ва ташриф қилувчиларга умумий маълумотларни бериш ҳамда маъмурий ишларни бажариш киради.

Асосий талаблар:

- Ўрта мактаб таълими зарурдир.
- Котиба, телефон оператори ҳамда маъмурий клерк соҳаларидаги 6 ойлик иш тажрибаси зарурдир.
- Рус, ўзбек ҳамда инглиз тилларида ёзма ва оғзаки яхши мулоқот қила билмоқ.

Резюме ҳамда аризаларни 2006 йилнинг 21 февралига қадар электрон почта personnel@usembassy.uz, (факс 998-71) 120-61-27 ёки почта орқали: Тошкент шаҳри, 700093, Юнусобод тумани 5-даҳа, Мойқўрғон кўчаси — 3 манзили орқали жўнатиш мумкин. Аризачилар ўз аризаларида топшираётган иш лавозими номини аниқ кўрсатишлари шарт.

2140R/

ТАШКИЛОТ «НИССАН» автомобилининг ҲАР ХИЛ ТУРДАГИ МОДЕЛЛАРИНИ, шунингдек, Тошкентдаги омбордан барча йўлларга мўлжалланган «XTrail» ва «Infiniti» автомобилларини таклиф этади.
МАВСУМИЙ ЧЕГИРМАЛАР
Тўлов шакли — турлича.
Автосервис хизматлари — пул ўтказиш йўли билан.
Тел.: 189-92-52.
Товар сертификатланган. МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 138-58-95.

ЕВРООКНА
ПО НЕМЕЦКОЙ ТЕХНОЛОГИИ НА НЕМЕЦКОМ ОБОРУДОВАНИИ
- профиль окна изготовлен из трехслойного сращенного бруса,
- из дерева высококачественных хвойных и лиственных пород,
- окна отделанны металлической фурнитурой пр-ва Германии,
- не деформируются под воздействием внешней среды.

А также: двери, наличники, плинтуса, половые доски, декоративные рейки для отделки мебели.
Гарантия – 15 лет.
Для оптовых покупателей гибкая система скидок.
Тел. 169-15-33, факс 162-39-66,
e-mail: toemz1@sarkor.uz
2128Л/149

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги
ШИНАЛАРНИ сотади:
ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН
Телефонлар: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-84-21.
АККУМУЛЯТОРЛАР
ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН
Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.
Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., «Дўстлик» шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Дангара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

Российский линолеум
Оптовые поставки Versal MKO
Офис: ул. Амира Темура - Эргашева, 1
тел. 134-48-11
факс 134-49-58
Продажа в розницу
Паркентский рынок
Магазин 113
тел. 185-48-11

Тошкент Кимё-технология институти раҳбарияти ва жамоаси Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси мудири, профессор **Мавлюда Абдуғаниевна ВАКИЛнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ва тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Фазлитдин Сагдуллаевга волидаи муҳтарамаси **МУКАРРАМ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси «Асака» банки жамоаси Ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Раҳим Турсуновга онаси **Анора ая ЮСУПОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти жамоаси «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК раисининг биринчи ўринбосари Фазлитдин Сагдуллаевга онаси **МУКАРРАМ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 457. 34694 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
(t) - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни —21.30 Топширилди — 21.40 12345